

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.06.01.2018. Tar.56.01-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ЭШТЕМИРОВ ЖАСУРБЕК СУЮНКУЛОВИЧ

XX – XXI АСР БОШЛАРИДА ҚАРШИ ШАҲАР МАДАНИЯТИ

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Эштемиров Жасурбек Суюнкулович XX – XXI аср бошларида Қарши шаҳар маданияти	3
Эштемиров Жасурбек Суюнкулович Городская культура Карши в XX – начале XXI веков	23
Eshtemirov Jasurbek Suyunkulovich Urban culture of Karshi in the XX – early XXI centuries	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of publications	47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.06.01.2018. Tar.56.01-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ЭШТЕМИРОВ ЖАСУРБЕК СУЮНКУЛОВИЧ

XX–XXI АСР БОШЛАРИДА ҚАРШИ ШАҲАР МАДАНИЯТИ

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.2. PhD/Tar105 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.history.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эргашева Юлдуз Алимовна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шадманова Санавар Базарбаевна
тарих фанлари доктори, профессор

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи DSc. 06.01.2018. Tar.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси 5-уй, Тарих институти 2-қават Мажлислар зали). Тел.: (99871) 233-54-70; 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: info@uzhistory.uz. (Тарих институти).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси 13-уй). Тел: (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси билан)

А.С. Сагдуллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,
профессор, академик

М.Х. Пайзиева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

С.С. Агзамходжаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XX–XXI асрларда жаҳондаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳадаги ўзгаришлар шаҳарлар ривожига амалий аҳамиятга эга бўлди. ЮНЕСКО ташкилоти дунё шаҳарлари маданий ривожига муҳим ҳисса қўшиб, қадимий шаҳарларни Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритиш тадбирларини олиб борди. Хусусан, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари ушбу рўйхатдан жой олган.

Дунёдаги етакчи илмий марказлар ва нуфузли университетларда шаҳарлар тарихи ва маданиятини тадқиқ этиш борасида изланишлар олиб борилмоқда. Қадимий шаҳарлар ёшини аниқлаш, замонавий шаҳарсозлик ривожланиш хусусиятлари, туризм инфраструктураси муаммолари, шаҳар агломерацияси шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари, демографик динамикаси, экологияси ва хизмат кўрсатиш тизими, шаҳар аҳолисининг маданий дам олишини ташкил этилиши каби масалалар илмий жиҳатдан ўрганилган.

Ўзбекистонда шаҳарлар ва унинг маданиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3027-сонли “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди шаҳар маданияти ривожига муҳим аҳамиятга эга театрлар, музейлар, бадиий жамоалар, маданият ва аҳоли дам олиш масканлари, маданият ва истироҳат боғлари фаолияти, моддий-техника базаси ҳолатини ўрганиб чиқиш зарурлиги таъкидланган¹. Жамиятда маданиятнинг ривожига бевосита шаҳарлар тараққиёти билан боғлиқ бўлиб, шаҳар тарихининг илмий асосда ўрганилиши натижасида муайян ҳудудда яшовчи аҳолининг турмуш тарзи, меъморий обидалари, уларнинг турли тарихий даврлардаги ривожланиш босқичлари масаласида амалий натижаларни қўлга киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 14 августдаги “Шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар типидagi қишлоқлар бош режаларини ишлаб чиқиш ва қуриш тартиби тўғрисидаги Қоидаларни тасдиқлаш ҳақида”ги, 2004 йил 29 сентябрдаги “Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида”ги қарори ва 2010 йил 29 декабрдаги “2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” фармонида ва соҳани ривожлантиришга оид меъорий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

¹ Халқ сўзи. 2017 йил 1 июнь. №108 (6802).

вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-маърифий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” дастури устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қарши шаҳри тарихи турли даврларда яшаган тарихчилар томонидан ўрганилган. Хусусан, Россия империяси даври тарихчи олимларнинг тадқиқотларида асосан ўрта аср шаҳарларининг ҳунармандчилик ва савдо-сотик ривождаги ўрнига аҳамият берилган бўлса, советлар даврида эса шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маъмурий марказ сифатида бажарган вазифалари ўрганилган. XX асрнинг 80-90-йилларида шаҳарларга ижтимоий-маданий жараёнлар фаол кечган муайян бир марказ сифатида қаралди.

Шаҳарлар тарихи юзасидан дастлаб Л.В. Вяткин, К.Н. Маллицкий, В.И. Масальский, Б. Литвинов, Д.Н. Логофет каби тадқиқотчилар изланиш олиб бориб, XX аср бошларида Тошкент, Қўқон, Бухоро ва Қарши шаҳарлари топографияси, аҳолиси ва унинг турмуш тарзи, машғулоти, савдо-сотик масалаларига доир мақолаларини эълон қилди².

Қашқадарё вилоятининг тарихини ўрганишга бағишланган рисола ва монографияларда ҳам Қарши шаҳри тўғрисида маълумотлар берилган³. С.М. Захаров ва А. Собиржоновларнинг “Қарши” номли рисоласида шаҳарнинг совет даври тарихи ҳикоя қилиниб, маданият ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Қашқадарё вилояти шаҳарлари тарихига оид дастлабки диссертацияларнинг тайёрланиши XX асрнинг 60-йилларига тўғри келади⁴. Шаҳарлар тарихи бўйича эълон қилинган ишларнинг аксариятида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий масалаларни ўрганишга асосий эътибор қаратилиб, улар архив ҳужжатлари маълумотларига бойлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Мустақиллик даври тадқиқотчиларининг олдида маданий ривожланишнинг тарихий, назарий жиҳатларини илмий асосда ўрганиш долзарб масала сифатида вазифа қилиб қўйилди. Натижада маданият масалаларига эътибор берилган қатор изланишлар пайдо бўлди. Жумладан,

² Вяткин В.А. К исторической топографии Ташкентского района // Туркестанские ведомости. – 1900. – №101; Вяткин В.А. Материалы для исторической географии Самаркандского вилайята // Справочная книжка Самаркандской области. Вып. 7. – Самарканд, 1902; Литвинов Б. Карши // Туркестанские ведомости. 1910 – №114 – 116; Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. – Ташкент, 1912; Маллицкий Н. Ташкент (Исторический очерк) // Известия Ташкентской городской думы. – 1913, – №2; Масальский В.И. Туркестанский край. – СПб., 1913; Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. – СПб., 1911; Логофет Д.Н. В горах и на равнинах. – СПб., 1913 ва бошқалар.

³ Захаров С.М., Собиржонов А. Очерки истории Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей Узбекистана советского периода (1917 – 1932 гг.). – Ташкент, 1968; Захаров С.М., Собиржонов А. Карши. – Ташкент: Ўзбекистон, 1978; Чариев А., Ачилов М. Кашкадарьинская область. – Ташкент: Узбекистан, 1974; Захаров С.М., Ҳикматов Н. Шахрисабз. – Ташкент: Узбекистан, 1979; Каландадзе Т. ва бошқ. Шахрисабз. – Тошкент: Ўзбекистан, 1980 ва бошқалар.

⁴ Эшқувватов А. История развития социалистических городов Карши, Шахрисабза (1925 – 1965 гг.): Автореф. дис... канд. ист. наук. – Ташкент, 1970;

Э.Аҳмедов, Д.Зияева, Г.Агзамова, С.Шодмонова, А.Тоғаева, Ш.Раҳматуллаев кабиларнинг тадқиқотларини келтириб ўтиш мумкин⁵.

Қашқадарё воҳаси шаҳарлари тарихини ўрганиш юзасидан муайян ишлар олиб борилди. Н. Хақимов, О.Жўрақулов, Қ.Насриддинов, Р.Х. Сулаймонов, Д.Зияева, П. Равшанов, О. Бўриев, Н. Исмоиловларнинг тадқиқотида шаҳар тарихи илмий нуқтаи назардан баён этилган бўлса,⁶ М.Жўраев, В.Соснин, Э.Эргашев, М.Худойқулов, М.Мавлонов кабиларнинг ишлари илмий-оммабоп йўналишда бўлди⁷.

Демократик ислохотлар даврида бажарилган диссертация ишлари ўзининг мазмуни, ижтимоий воқеликка баҳо беришда объектив ёндашилганлиги билан совет даври диссертацияларидан фарқ қилади. Уларда асосий эътибор Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳада амалга оширилган тадбирлар таҳлиliga қаратилган. Бундай тадқиқотлар жумласига Г.Агзамова, Г.Таниева, С.Сайманов, З.Даминоваларнинг номзодлик диссертацияси ва монографиялари мисол бўлади⁸.

⁵ Аҳмедов Э.А. Ўзбекистон шаҳарлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991; Агзамова Г.А. Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳар ҳаёти. – Тошкент, 2000; Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошида Тошкентнинг “янги шаҳар” қисми тарихи. – Тошкент, 2004; Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида. – Тошкент: 2013; Раҳматуллаев Ш. Фарғона водийси шаҳарларида иқтисодий трансформация жараёнлари (1991 – 1996 гг.). – Тошкент, 2015; Шодмонова С. Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёнлари (1917 – 1941 йиллар). – Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2015; Зияева Д. Х. Ўзбекистон шаҳарлари XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида: шаҳар маданияти ва урбанизация жараёнлари. – Тошкент: Yangi nashr, 2017; Агзамова Г. Ўзбекистон шаҳарлари XVI – XIX асрнинг ўрталарида. – Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2017; Тоғаева А. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари ва шаҳар маданияти муаммолари (1950 – 1990 йиллар). – Тошкент, 2017 ва бошқалар.

⁶ Сулаймонов Р.Х. Древний Нахшаб. – Ташкент: Фан, 2000; Ўша муаллиф. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари. – Тошкент: Маънавият, 2004; Равшанов П. Қашқадарё: истиклол арафасида. 1986 – 1989. – Тошкент: Маънавият, 2003; Ўша муаллиф. Қарши тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2006; Хақимов Н., Жўрақулов О. Шаҳрисабз тарихи. – Қарши: Насаф, 2001; Насриддинов Қ. Қарши қалъаси. – Қарши: Насаф, 2005; Исмоилов Н., Бўриев О. Қарши – Ўзбекистоннинг қадимий шаҳри. – Қарши: Насаф, 2006; Қашқадарё вилояти истиклол йилларида: (Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” рисоласидан келиб чиққан ҳолда, вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожига бир назар) / Муаллифлар гуруҳи раҳбари А. Эркаев. – Тошкент: Маънавият, 2007; Нафасов Т., Турсунов Ш. Қарши шаҳри маҳалла ва кўча номлари / – Тошкент: Маънавият, 2008; Зияева Д. XX аср бошида Ўзбекистонда анъанавий маданий ҳаёт // XX асрда Ўзбекистонда маданият тарихидан очерклар: анъаналар ва трансформация жараёнлари. – Тошкент, 2010. – Б. 3 – 30 ва бошқалар.

⁷ Соснин В.А. Столица кочевая Наутака-Нахшеб-Карши. – Қарши: Насаф, 1996; Сағдуллаев А.С., Аминов Б., Якубов Б. Қашқадарё тарихидан лавҳалар. – Қарши: Насаф, 1997; Худойқулов М. Қарши чўли. – Тошкент: Шарқ, 1998; Жўраев М. Қадимий манзилгоҳ. – Қарши: Насаф, 2000; Эргашев Э. Бешкент тарихи. – Қарши: Насаф, 2000; Мавлонов М. Қарши – маъмурий марказ шаҳарлардан бири эканлиги тарих саҳифаларида. Тарихий рисола. – Тошкент, 2008 ва бошқалар.

⁸ Агзамова Г. А. XVI – XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти.: Тарих фан док... дис. – Тошкент, 2000; Сайманов С.С. История города Кунграда (XVIII – перв. пол. XIX вв.): Автореф. дис... канд. ист. наук. – Нукус, 2001; Даминова З.Ш. XIX аср охири – XX асрда Термиз шаҳри тарихи. – Тошкент, 2004; Ражабова Н.Н. История изучения археологических памятников долины Кашкадарьи (к проблеме становления и развития археологической школы в Узбекистане): Автореф. дис... канд. ист. наук. – Ташкент, 2007; Таниева Г.М. Роль Каршинского вилаята в политической, социально-экономической жизни Бухарского эмирата (вторая половина XVIII – первая половина XIX в.): Автореф. дис... канд. ист. наук. – Ташкент, 2008; Ҳасанов А.М. XVI – XIX асрларда шаҳарсозлик ва меъморчилик (Қашқадарё воҳаси мисолида): Тарих фан. док... дис. автореферати. – Тошкент, 2008; Ҳамидова М.С. XIX – XX аср бошларида Қашқадарё воҳаси хунармандчилиги тарихи.: Тарих фан. док. дис. Автореф. – Тошкент, 2009; Холиқулов А.Б. XIX – XX аср бошларида Қашқадарё бекликлари.: Тарих фан. док. дис... автореф. – Тошкент, 2011; Мустафаева Н.А. Мустамлака ва совет даври тарихшунослигида Ўзбекистоннинг XX аср маданияти.: Тарих фан. док. дис... Тошкент, 2016 ва бошқалар.

Шаҳар маданияти тарихи кўплаб хориж тадқиқотчиларининг илмий изланишларида ҳам ўз аксини топди. Айниқса бу борада МДХ давлатлари тарихчиларининг ишлари диққатга сазовордир⁹. Марказий Осиё тарихи билан шуғулланувчи хорижий тадқиқотчиларнинг аксарияти Ўзбекистондаги маданий ўзгаришларга катта эътибор қаратди. Б. Хайит, М. Сарай, А. Холид, И.Балдауф, Д.Нортроп, А. Кюгельген, М. Камп, Ш. Акинер, Ш. Келлер, В. Фермэн ва бошқаларнинг ишлари шулар жумласидандир¹⁰.

Қарши шаҳар маданияти юқорида келтирилган тадқиқотларда бирмунча ёритилган бўлишига қарамай, уларда шаҳарнинг маданияти билан боғлиқ масалалар тўлақонли ўз аксини топмаган. Шу боис, мазкур диссертацияда шаҳар маданиятини кенг кўламда тадқиқ этишга ҳаракат қилинди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режаси ва ОТ-Ф8-211–“XX аср Ўзбекистон маданияти тарихи” (2008-2011) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XX – XXI аср бошида Қарши шаҳрининг маданий ҳаёти тарихини, шаҳар тарихида ушбу даврнинг тутган ўрни, хусусияти ва ўзига хос жиҳатларини очиб беришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тарихий шарт-шароит ва муҳитнинг Қарши шаҳар маданиятига таъсирини очиб бериш;

Қарши шаҳар ижтимоий ҳаёти ва таълим жараёнини ёритиб бериш;
шаҳар халқ амалий санъати ва меъморий ривожланишини таҳлил этиш;
совет даврида шаҳар таълим тизими ва унинг моҳиятини очиб бериш;
совет ҳокимияти йилларида шаҳар меъморий трансформациясини кўрсатиб бериш;

мустақиллик йилларида шаҳар таълим тизимидаги ислоҳотлар ва унинг натижаларини ёритиб бериш;

шаҳар ҳаётида маданий-маърифий муассасаларнинг тутган ўрнини асослаш;

⁹ Романенко Л.В. Развитие городской культуры Южно-Русской провинции в XIX – начале XX века (на примере Ставрополя и Терека): Автореф. дис... канд. ист. наук. – Ставрополь, 2002; Сульдина Л.В. Эволюция культурного пространства городов Мордовии в XX в.: Автореф. дис... канд. ист. наук. – Саранск, 2007; Джаниева Р.М. Социально-экономическое и культурное развитие уездных городов степного края в конце XIX-начале XX вв.: Автореф. дис.... канд. ист. наук. – Омск, 2007; Чурюканова О.В. Историко-культурное наследие малых городов и их роль в культурном и духовном возрождении России (на примере города Плеса Ивановской области): Автореф. дис.... канд. ист. наук. – М., 2009 и др.

¹⁰ Ahlwardt W. Verzeichniss der Arabischen Handschriften. B. VI. – Berlin, 1992. – S. 498-509; Northrop D. Veiled Empire: Gender and Power in Stalinist Central Asia. – Cornell University Press, 2004; Кюгельген А.Ф. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII – XIX вв). – Алматы: Дайк-Пресс, 2004. – С. 516; Kamp M. The New Woman in Uzbekistan. Islam, Modernity, and Unveiling Under Communism. University of Washington Press. Seattle & London, 2006; Keller Sh. Story, Time, and Dependent Nationhood in the Uzbek History Curriculum. Slavic Review Vol. 66, No. 2 (Summer, 2007), pp. 257-277; Khalid A. Culture and Power in Colonial Turkestan // Cahiers d’Asie Centrale 17/18 | 2009; Fierman W. Identity, Symbolism, and the Politics of Language in Central Asia. Europe-Asia Studies. Vol. 61, No. 7, Politics of the Spectacular: Symbolism and Power in Central Asia (Sep., 2009), pp. 1207-1228. ва б.

шаҳар меъморий қиёфасидаги ўзгаришлар ва тарихий-меъморий ёдгорликларнинг қайта тикланиш жараёнини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XX – XXI аср бошларида Қарши шаҳар маданияти танланган.

Тадқиқотнинг предметини XX – XXI аср бошларида Қарши шаҳри маданий ҳаёти ва меъморий қиёфаси, таълим ва маданий-маърифий муассасалар фаолияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик тамойили ва тизимли таҳлил, қиёсий-хронологик, кетма-кетлик, холислик каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Бухоро амирлиги даврида Қарши шаҳри мадрасаларининг маърифатпарварлик функциялари ва фаолияти механизми, жумладан, олий руҳонийлар тоифаси, теологлар (диншунослар), фикҳшунослар, амалдорларни тайёрлаш тизими очиб берилган, шунингдек, талабаларнинг моддий таъминоти, таълим усули ва дастурларини ўзлаштиришга ёндашув, мадрасаларда ўқитиладиган фан блоклари ҳамда шаҳарнинг таниқли мударрислари аниқланган;

ҳалқ амалий санъати вакиллари сулоалари (*кулоллар, каштадўзлар, гиламчилар, заргарлар, кандакорлар*), уларнинг санъат буюмларини яшаш усуллари ҳамда Бухоро амирлиги, совет тузуми ва мустақиллик давридаги фаолияти очиб берилган;

совет даврида “маданий инқилоб” ва “ягона совет маданияти” сиёсати натижасида шаҳарда таълим, маданий-маърифий соҳаларда рус маданиятининг устувор характерга эга бўлганлиги аниқланган;

Қарши шаҳар агломерацияси ва урбанизация жараёнлари, ўтроқ воҳа ва чорвадор дашт анъаналарининг шаҳар маданий ҳаётига ўтказган таъсири аниқланган;

Қарши шаҳар маданий ҳаётида мустақиллик йилларидаги трансформация жараёни таъсирида содир бўлган ижтимоий адаптациянинг бозор иқтисодиётига ўтиш даври қийинчиликлари билан боғлиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари.

шаҳар маданий ҳаётини янада жонлантириш ва такомиллаштириш бўйича амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган;

шаҳар маданияти тарихига оид илмий қарашлардан Ўзбекистоннинг мустақиллик даври шаҳарлар тарихини тадқиқ қилиш ва ўқув жараёнида қўллаш мумкин бўлган назарий-услубий жиҳатлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда тарих фанида эътироф этилган назарий ёндашув ва илмий усулларнинг қўлланилгани, катта ҳажмдаги, хусусан, ЎзР МДАдаги 13 та, Қашқадарё вилоят давлат архивининг 12 та, Қашқадарё вилоят ҳокимлиги архивининг 3 та, турли ташкилотларнинг 10 та жорий архиви фондларида сақланаётган ҳужжатларга асослангани, диссертация маълумотлари амалиётга жорий этилгани, олинган

натижаларнинг ваколатли идоралар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари шаҳарсозликни, маданиятни ривожлантириш ва унинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, шаҳарлар маданияти тарихини ўрганишга оид назарий хулосалар ҳамда услубий ёндашувларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти Ўзбекистонда тарих фани ва унинг таркибий қисми ҳисобланган маданият соҳаси тарихининг ривожланишига бевосита боғлиқлиги билан белгиланади. Тадқиқотнинг умумлашган назарий хулосаларидан Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти ҳамда олий ўқув юртларининг ўқув жараёнида, шунингдек, Ўзбекистон тарихи дарслиги бўйича ўқув қўлланмалар тайёрлашда, маданият ва тарих йўналиши бўйича талабаларга махсус курс, семинар машғулотларини ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қарши шаҳрининг XX–XXI аср бошларидаги маданияти тарихига оид ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

шаҳарсозлик соҳасида ҳудудларни маданий ривожлантиришнинг давлат дастурлари тадбирлари тавсифи, шаҳар таълим тизими мисолида Ўзбекистонда таълимдаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари ҳамда таълим сифатини оширишда инновацион технологияларнинг ўрни, таърифи, глобаллашув шароитида шаҳар маданияти ёшлар маънавий қиёфасини шакллантиришда асосий омиллардан бири сифатидаги талқини, мустақиллик шароитида шаҳарсозлик ва меъморчилик санъатининг ривожланишида шаҳар маданиятининг юксалишига оид натижаларидан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган ОТ-Ф8-211 рақамли “XX аср Ўзбекистон маданияти тарихи” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 12 октябрдаги ФТА-02-11/865-сон маълумотномаси). Бу Ўзбекистоннинг янги ижтимоий-иқтисодий шаклланиш шароитида шаҳарсозликни, маданиятнинг ривожланиш концепциясини амалга оширишга, маънавий-маърифий ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилган.

Қарши шаҳридаги мадраса ва масжидлар қурилишига оид тарихий маълумотлар тавсифи, Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига доир материаллардан мустақиллик йилларида Қарши меъморий қиёфасидаги ўзгаришлар тавсифи, шаҳарнинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни каби хулосалардан Қашқадарё вилояти ўлкани ўрганиш музейининг “Қарши шаҳар меъморий ёдгорликлари”, “Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейини нишонлаш юзасидан ЮНЕСКО тадбирлари”, “Қарши мустақиллик йилларида” мавзуидаги экспозицияларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 01-11-08-2038-сон далолатномаси). Бу Қарши шаҳрининг XX асрдаги тарихи,

хусусан, анъанавий мактаблари, шаҳар қалъаси ва унинг деворлари ҳамда дарвозалари, Қашқадарё кўприги, ҳозирги замон шароитида шаҳардаги ўзгаришларни тасвирлашга музей фондлари материаллари ҳал қилувчи тарихий манбалардан бири эканлигини асослаб беришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та (7 та республика ва 1 та хорижий журналларда) мақола, 20 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманлар тезисларида эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган; тадқиқот усуллари аниқланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бухоро амирлиги даврида Қарши шаҳар маданий ҳаёти”** деб номланган биринчи бобида тарихий шарт-шароит ва муҳитнинг Қарши шаҳар маданиятига таъсири, Қарши шаҳар аҳолиси ижтимоий таркиби ва таълим муаммолари, шаҳарда халқ амалий санъати ҳолати ва меъморий тузилиши масалалари таҳлил этилган.

Диссертацияда Қарши шаҳри ўз табиий-географик шароити ва стратегик жойлашуви жиҳатидан муайян тарихий даврларда Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида қадимдан то яқин асрларгача мавжуд бўлган сиёсий, иқтисодий ва маданий марказлардан бири бўлганлиги, шу жиҳати билан у минтақа маданий ҳаётида ўзига хос ўрин тутганлиги ва ҳозирги кунга қадар шу мақомини муайян даражада сақлаб келаётганлиги ёритиб берилган.

XX аср бошларида Қарши шаҳри Бухоро амирлиги таркибидаги 27 та бекликдан бири – Қарши беклигининг маъмурий маркази эди¹¹. Қарши шаҳри Бухоро амирлигининг энг кўп даромад келтирадиган шаҳарларидан бири ҳисобланиб, амирликнинг иккинчи сиёсий маркази сифатида тахт

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (Ўз РМДА) , 126-фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 42-44-варақлар.

меросхўрининг қароргоҳи бўлган. Қашқадарё воҳаси ва атроф-худудларда кечган фаол ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнларда Қарши шаҳри ўзига хос ўрин тутиб, бу ер ўз жойлашувига кўра ўтроқ деҳқон ва чорвадор аҳоли учун муайян маданий макон вазифасини бажарган. Натижада шаҳарда турли маданиятларнинг ўзаро ассимиляцияси юз бериб, шаҳар аҳолисига хос шева (ўзбек тили қарлуқ лаҳжасининг алоҳида бир тармоғи), урф-одат ва анъаналар (пазандачилик, хунармандчиликнинг айрим турлари – кўнчилик, тўқимачилик, кандакорлик, мискарлик ва ҳ.к.) бойиб бориб¹², ўзига хос шаҳар маданияти ташкил топди. Шу жиҳатлари туфайли минтақамизнинг турли худудларида Қарши шаҳри ва атрофларидан кўчиб бориб жойлашган аҳоли тоифасига нисбатан “қаршилиқ”, “қаршилиқлар” атамаси қўлланила бошлади. Жумладан, Сурхондарё вилояти, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистонда бир қатор қишлоқ ва маҳалаларда яшаб, ўз турмуш тарзи ва маданияти (хунармандчилиги, этномаданияти) билан бирмунча фарқланган аҳоли гуруҳи шу ном билан аталган¹³.

Ўрганилаётган даврда Қарши шаҳри аҳолиси асосан ўзбеклардан ташкил топиб, айрим маҳалла ва атроф қишлоқларда сезиларли миқдорда ўзбек тилли (Кўчкак, Шайхали) ва тожик тилли араблар (Парғуза, Арабхона), қисман уйғурлар ҳам истиқомат қилишган. Шунингдек, XX асрнинг бошларида бу ерга рус ва русийзабон аҳоли (украин, белорус, немис, татар, корейс ва ҳ.к.) кўчиб кела бошлашган. 1926 йилги аҳоли сонини рўйхатга олиш қайдларига кўра, шаҳар аҳолиси 15198 кишидан иборат бўлиб, шулардан 3097 нафар русийзабон аҳоли Қарши темир йўл станцияси атрофида яшаган¹⁴. Ўтган асрнинг 90-йилларигача шаҳарда русийзабон аҳоли сони муттасил равишда ўсиб борган бўлса, XXI аср бошларига келиб тарихий ватанларига кўчиб кетишлари натижасида бугунги кунда уларнинг сони камайган.

Қарши шаҳри ва яқин атрофлари аҳолисининг асосий қисми ўтроқ ўзбеклардан ташкил топиб, уларнинг катта қисми ўзларининг қайси уруғдан эканликларини унутган бўлсалар-да, айрим маҳалла ва атроф аҳоли пунктларида ўзларини ўзбекларнинг манғит, қарлуқ, сарой, қовчин, кўнғирот каби уруғларга мансуб, деб билишган¹⁵.

Қарши шаҳри аҳолиси ижтимоий-маданий жиҳатдан амалдорлар, диний табақа вакиллари ва уламолар, зиёлилар, хунармандлар, савдогарлар,

¹² Давлатова С.Т. XX асрнинг 20-50 йилларида Жанубий Ўзбекистоннинг хунармандчилик артеллари фаолияти хусусида // О ‘zbekistonda ijtimoiy fanlar.– 2016. – №3. – Б. 58 – 64; Ўша муаллиф. Ўзбек хунармандчилиги: анъана, урф-одат ва маросимлар (Ўзбекистоннинг жанубий худудлари мисолида) // ЎЗМУ хабарлари. – 2016. – №1/4. – Б. 33–37.

¹³ Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана (по этнографическим данным). – М.: Наука, 1976. – С. 66, 69 – 72.

¹⁴ Всесоюзная перепись 1926 г., т. XV, Узбекская ССР. – С. 144 – 145, табл. X.

¹⁵ Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства (Историко - этнографические очерки). – Ташкент: АН УзССР, 1958. – С. 119 – 120, 122; Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана (по этнографическим данным). – М.: Наука, 1976. – С.58.

ҳарбийлар, турли маиший хизмат ходимлари ва ҳоказолардан иборат бўлган¹⁶.

XX аср бошларида Ўрта Осиёнинг кўпчилик шаҳарларида туб жой аҳоли таълими асосан ислом қоидалари асосида ташкил этилган бўлиб, бу ҳолат Қарши учун ҳам хос эди. XX аср бошларида Қарши шаҳридаги Кўрғонча масжиди қошида мактаб фаолият юритиб, унда Насимқори, Содиқ Охун, Анвариддин, Самариддинхон, Зиёвуддинхон каби зиёлилар талабаларга диний ва дунёвий илмлардан сабоқ берди¹⁷. Ўқувчилар мактабларда дастлаб “Ҳафтияк”ни ўқишган¹⁸. XX аср бошларида Қарши шаҳрида 45 та мадраса мавжуд бўлган¹⁹. Россия империяси муштамлакачилиги даврида тегишли сабабларга кўра мадрасалар ташкил этишга умуман эътибор берилмади. Аксинча, XX аср бошларида Қаршининг “эски” шаҳар қисмида 6 та, умуман шаҳар бўйича 16 та мадраса бузиб ташланди²⁰.

Қарши шаҳри меъморий тузилиши жиҳатидан Бухоро, Самарқанд, Хива каби шаҳарларига ўхшаши билан бирга шаҳар тузилиши (арк – “Ўрда”, кўрғон ва қалъа), дарвозалари (Тутак, Чармгар, Шаршара, Қарлуқхона), регистон, масжид-мадрасалар (16 та масжид, 12 та мадраса) ва уларнинг қурилиши ўзига хос бўлди²¹. Қарши қалъаси, унинг бош майдони Регистон ва атрофидаги ўрда, масжиду мадрасалар, савдо-тижорат расталари жойлашган Чорсу, Сардоба, Жиловхона ва бошқа қатор меъморчилик иншоотлари шаҳар ўз даврида ривожланган масканлардан бири бўлганлигини исботлайди. Қалъанинг XX аср бошларидаги тузилишига оид харита архив ҳужжатларида мавжуд²². Қалъа чизма-режаси тўғри тўртбурчак бўлиб, катта диагонали шимолдан жанубга қаратилган. Шаҳар уч қатор девор билан ўралган. Бу маълумотлар Н. Хаников, В. Вяткин, А. Зимин, Б. Литвинов асарларида ҳам қайд этилади²³.

Тарихий шаҳарларнинг барчасида регистон майдони бўлиб, унинг атрофида қатор меъморий обидалар жойлашган. Хусусан, Қарши Регистони қалъа марказида жойлашган ва унинг эни 50 метр, бўйи эса 70 метр атрофида бўлган.²⁴ XX аср бошларида Қарши шаҳрида ислом олами билан боғлиқ кўплаб меъморий ёдгорликлар, хусусан, масжид, сағана, мадрасалар мавжуд

¹⁶ Зияева Д.Х. Ўзбекистон шаҳарлари XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида: шаҳар маданияти ва урбанизация жараёнлари. – Тошкент: Yangi nashr, 2017. – Б. 240.

¹⁷ Насафлик алломаларнинг жаҳон маданиятида тутган ўрни. // Илмий-назарий конференция материаллари. – Қарши, 2008. – Б. 166 – 167.

¹⁸ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 11 – жилд. – Тошкент, 2005. – Б. 321.

¹⁹ Жуманазаров А. Насаф.– Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б. 136-166.

²⁰ Насриддинов Қ. Қарши қалъаси. – Тошкент, 2005. – Б. 90.

²¹ Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства (историко – этнографические очерки). – Ташкент: АН УзССР, 1958. – С. 112 – 114; Зияева Д.Х. Ўзбекистон шаҳарлари XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида: шаҳар маданияти ва урбанизация жараёнлари. – Тошкент: Yangi nashr, 2017. – Б. 239, 241.

²² ЎзР МДА, И-1 фонд, 34 – рўйхат, 54 - иш, 20 - варақ.

²³ Хаников Н. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1943. С.107 – 109; Вяткин В.Л. Каршинский округ, организация в нём войска и события в период 1215 – 1217 (1800 – 1803) годов. Изв. Сред. Аз.отд. РГО. 1928. – Б. 13 – 14, Зимин А. А. Нахшаб, Насаф, Карши, их история и древности // Сб. В.В. Бартольд – Ташкент. – С. 205 – 207; Литвинов Б. Карши // Туркестанские ведомости.1910. – С. 114.

²⁴ Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времён.–Ташкент, 1973. – С.57.

эди. Шаҳарда Одина жоме масжиди, Кўкгумбаз, Чақар масжиди, Қўрғонча масжиди, Шарифбой, Хўжа Абдулазиз, Қиличбой, Бекмир қозоқ, Олий, Шермуҳаммадбек каби мадраса бинолари сақланиб қолган эди. Қарши қалъасида 8 та, шаҳарда жами 20 та мадраса бўлиб, улар қурилишида ўзига хос меъморий усуллар қўлланилган ²⁵.

Бухоро амирлиги даврида Қарши шаҳрида халқ амалий безак санъати ҳам ривожланган эди. Бунда шаҳар хунармандларининг ўзига хос ўрни бўлиб, улар ўз анъаналари ва ишлаб чиқариш усулларига эга эди. Бир касб эгаларининг бир жойда истиқомат қилишлари шаҳар маъмурий бўлинишида ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Натижада Қарши шаҳрида Чармгар, Кулолгузар, Темирчи, Ҳолвагар, Мискар каби аҳоли яшаш жойлари вужудга келди. Шаҳарда кулолчилик, заргарлик, пичоқчилик, гиламчилик ва каштачилик санъати тараққий этди. Оддий пичоқлар билан бирга олтин ва кумушлар билан безалган пичоқлар ясаиб сотилди.²⁶ Мис буюмларга турли нақшлар солинган²⁷. Қаршилиқ мискарлар тайёрлаган буюмларнинг безаклари босма усулда ишланиб, қимматбаҳо тошлар билан безатилди. Заргарлар олтин ва кумушдан буюмлар ясаган. Силсила, ойбалдоқ, маржон-мунчоқ, узук, билагузуклар, муҳр узуклар тайёрланди.

XX аср бошларида Қарши шаҳрида ҳам бир қадар ижобий силжишлар бўлди. Шаҳарда мадраса биноси қурилишлари асосан бой-бадавлат кишилар томонидан амалга оширилиб, қурилишда асосан маҳаллий материаллардан фойдаланилди. Мадраса ва масжидлар аниқ лойиҳа асосида бунёд этилган бўлиб, уларнинг зилзила бардошлигига аҳамият берилди. Шаҳарда XX аср бошларида бунёд этилган меъморий ёдгорликларнинг баъзилари бугунгача ҳам сақланиб қолган.

Диссертациянинг **“Совет ҳокимияти йилларида Қарши шаҳри маданий ҳаётидаги ўзгаришлар”** деб номланган иккинчи боби Қарши шаҳар таълим тизими, илк ўрта мактаблар тарихи, Қарши давлат педагогика институти тарихи, шаҳарда ташкил этилган дастлабки театр жамоаси, ўлкашунослик музейи, шаҳарда ўтказилган турли маданий-маърифий ва санъат соҳасидаги тадбирлар, шаҳар меъморий тузилиши каби масалаларни ёритишга бағишланган.

Диссертацияда совет ҳокимияти йилларида Қарши шаҳри бевосита давлатнинг таъсири ва назорати остида ривожлантирилганлиги, маданиятнинг барча йўналишлари, яъни таълим, фан, адабиёт ва санъат, маданий-маърифий муассасалар фаолияти ҳукмрон мафкура ғояларини кенг халқ оммаси онгига сингдиришга йўналтирилганлиги тарихий маълумотлар ёрдамида қайд этилади.

Тадқиқот натижасида аниқланишича, таълим соҳасининг йўлга қўйилиши, аҳоли турли қатламларининг ўқув жараёнига жалб этилиши ва бунда муайян натижаларга эришилиши шаҳар маданий ҳаётининг

²⁵ Қашқадарё вилояти давлат архиви (ҚВДА), 533-фонд, 1-рўйхат, 42- иш, 2-варак. 81-иш, 81-84- варак.

²⁶ Соснин В. Столица кочевая: Наутака – Нахшаб – Карши. – Қарши: Насаф, 1996. – Б. 113 – 114.

²⁷ Ҳамидова М., Қашқадарё воҳаси хунармандчилиги тарихи (XIX аср охири XX аср бошларида). – Тошкент, 2009. – Б. 83.

ривожланишида муҳим омиллардан бири бўлди. 1920-1924 йилларда Қарши вилояти Бухоро Совет Республикаси таркибида бўлиб, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ўзгаришлар ўз ўрнида Қарши шаҳар маданий ҳаётида ҳам тўла аксини топди. Хусусан, таълим жараёнида ҳам бу кўзга ташланди. 1921 йил майида Қарши шаҳрида 7 та бошланғич мактаб, 2 та ўрта мактаб фаолият олиб борди²⁸. Давлат томонидан биринчи марта мактабгача тарбия муассасалари ташкил этишга эътибор қаратилиб, шаҳарда илк маротаба болалар боғчаси очилди. Анъанавий таълим муассасаларидан бошқа мақсадларда фойдаланилди. Жумладан, Абдулазизхон мадрасаси қурилиш-таъмирлаш ташкилотига, Чорибой мадрасаси вилоят партия кўмитасига, Саидкулбой мадрасаси почтага, Ҳотамбой мадрасаси шифохонага айлантирилиб, соғлиқни сақлаш бўлимига берилди²⁹.

Диссертацияда шаҳарда ташкил этилган илк мактаблар, уларнинг ташкилотчилари, ўқитувчи ва ўқувчилар хусусида ҳам қимматли маълумотлар келтирилади. Совет ҳокимияти даврида Қарши шаҳрида илк мактаб Толипхўжа бойнинг ҳовлисида очилган “Таянч” мактаби бўлиб, унда 2 синфда 36 нафар ўқувчи Чақар, Қўрғонча, Чармгар, Бузургобод маҳаллаларидан келиб ўқий бошлади. Мактабни очишда Муллахон Шаропов, Эгамберди Болтаев, Абдулқодир Шароповлар (мактаб мудири) ташаббускор бўлди³⁰.

Тадқиқотда совет давлатининг қатағон сиёсати, жумладан, шаҳарликлар орасида бу тадбир қурбонлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. 1928–1930 йилларда Қарши шаҳридаги Бекмурод қозоқ мадрасаси мударриси домла Жума, Мулла Қурбон, Мулла Қарши Охун, Бешкент туманидаги “Тарози” масжидида мактабдорлик қилган Мулла Нуриим кабилар қатағон қилинди³¹.

Қарши шаҳрида илк ўрта махсус таълим муассасаси Қарши педагогика билим юрти бўлиб, 1927–1928 ўқув йилида ташкил этилди, 1930–1931 ўқув йилида билим юртини дастлабки битирувчилар тамомлади³².

Шаҳарда дастлабки олий ўқув юрти 1945 йили Бухоро давлат педагогика ва ўқитувчилар институтининг Қарши филиали сифатида ташкил этилди.³³ Филиал учун 7 йиллик мактаб биносидан 1 аудитория ажратилди. Ўқитувчилар эса Қаршининг сўнгги беги Оғалиқ эшоннинг катта ҳовлисидаги меҳмонхона ва ҳужраларга жойлаштирилди.

Диссертацияда шаҳардаги маданий-маърифий муассасалар тарихини ўрганиш масаласи тадқиқ этилди. 1921–1924 йилларда шаҳарда битта қизил чойхона³⁴ ва битта клуб муассасаси фаолият кўрсатган бўлса,³⁵ 1925 йилда

²⁸ Известия, 1922 г, 9 июнь.

²⁹ ҚВДА, 83-фонд, 1-рўйхат, 181-иш, 26–33-варақлар.

³⁰ Қарши шаҳар халқ таълими мудири лавозимида 1996 – 2008 йиллари фаолият кўрсатган М.Қодированинг шахсий архивидан.

³¹ Эргашев Э. Бешкент тарихи.– Қарши, 2000. – Б. 26.

³² Қашқадарё ҳақиқати, 1967, 28 октябрь

³³ ҚВДА, 1-фонд, 1-рўйхат, 417 -иш, 89-варақ.

³⁴ ҚВДА, 133 -фонд, 1-рўйхат, 112 -иш, 108-109-варақлар.

³⁵ ЎзР МДА, 94-фонд, 1-рўйхат, 52-иш, 13-варақ

ушбу муассасаларнинг сони ошиб, 2 та клуб, 1 та кутубхона ва 1 та қизил чойхона фаолият олиб борганлиги архив ҳужжатларида қайд этилади³⁶. Қарши шаҳрида биринчи кинотеатр 1922 йил 5 май куни ишга туширилди. 1925 йили шаҳарда 8 та кўчма кино бўлиб, унда 12 киши фаолият олиб борди³⁷. 1933 йилда шаҳарда кинотеатр биноси ишга туширилиб, биринчи марта овозли фильмлар намоиш этилди³⁸.

1932 йил 2 августда Қарши ва Шаҳрисабз бадиий ҳаваскорлик тўғараклари заминида Қашқадарё вилояти театрининг ташкил этилиши шаҳар маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, аҳоли маданий дам олишини кўнгилли ташкил этишга катта таъсир кўрсатди³⁹. Театрнинг режиссёри ва директори А.Қодиров, артистлар М.Файзуллаева, Б. Камолов, Х.Мустафоқулов, Х.Ибрагимова, Н.Вахидова, М.Маматов ва бошқалар ижод қилган⁴⁰.

Бу даврда шаҳарда музей фаолияти ҳам бирмунча жонланди. 1941 йил июнда ташкил этилган⁴¹ тарихий ўлкашунослик музейи аҳолига турли тарихий даврларга оид ашёларни намоиш этиш билан бирга, илмий тадқиқотчилик фаолиятини ҳам олиб борди. Музейда 3 та бўлим фаолият юритди⁴².

Қашқадарё вилоятида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари Қарши шаҳри меъморий қиёфасининг ўзгаришида катта ўрин тутди. 1960–1980 йилларда Қарши шаҳрида кўп қаватли уйлардан ташкил топган 5 та миттитуман қад кўтариб, шаҳар ҳудуди кенгайди. Шаҳарда ўнлаб мактаблар, боғчалар, истироҳат боғлари, кутубхона ва клублар, Темирўлчилар маданият саройи, 2 та институт филиали ва бошқа маданий-маърифий муассасалар барпо этилди.

Қашқадарё кўшиқчилик санъатининг ривожиди Қарши шаҳрида фаолият юритган санъат муассасаларининг алоҳида ўрни бор. 1980-йилларда Қарши шаҳрида фаолият юритган таниқли эстрада хонандаси Д. Ғойибов раҳбарлигидаги “Оригинал” рок гуруҳи замонавий ўзбек кўшиқчилик санъатини фақат республикамизда танитибгина қолмай, балки бир қатор хорижий мамлакатларда ҳам эътироф этилишига замин яратди⁴³.

Диссертациянинг **“Мустақиллик йилларида Қарши шаҳар маданий ҳаётидаги янгиланишлар ва меъморий қиёфасидаги ўзгаришлар”** деб номланган учинчи бобида мустақиллик йилларида шаҳарнинг маданий-маиший қиёфасидаги ўзгаришлар ва тарихий-меъморий ёдгорликларнинг қайта тикланиши, урбанизация жараёни ва унинг шаҳар маданий ҳаётига таъсири, таълим тизимидаги ислохотлар ва унинг натижаси, шаҳар ҳаётида

³⁶ ҚВДА, 133-фонд, 1-рўйхат, 112-иш, 108-109- варақлар.

³⁷ ҚВДА, 12-фонд, 1-рўйхат, 82-иш, 1-2-варақлар.

³⁸ Қашқадарё вилоят ҳокимлиги архиви, 27-фондининг тарихий маълумотномаси, 23-29-варақлар

³⁹ ҚВДА, 11-фонд, 1-рўйхат, 37-иш, 2-варақ.

⁴⁰ ҚВДА, 11-фонд, 1-рўйхат, 198-иш, 5-8-варақлар.

⁴¹ Қашқадарё вилоят ҳокимлиги архиви, 27 – фондининг тарихий маълумотномаси, 23-29 варақлар.

⁴² ҚВДА, 390-фонд, 1-рўйхат, 176-иш, 2-варақ.

⁴³ www.sssviapesni.narod.ru – группа «Оригинал».

маданий-маърифий муассасаларнинг тутган ўрни, халқ амалий санъатининг янгидан ривожлантирилиши ўрганилди.

Қарийб бир асрдан кўпроқ вақт кесимида Қарши шаҳри маданиятини манбалар ва ўз кузатишлари орқали тадқиқ этиш натижасида бу давр мобайнида ушбу шаҳар Қашқадарё воҳаси учун муайян бир маданият тарқатувчи макон вазифасини бажарганлиги, маданий жиҳатдан ранг-барангликка ҳисса қўшганлиги аниқланди.

Мустақиллик йилларида Қарши шаҳри маданий қиёфаси ва ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасига Республика ҳукумати ва вилоят ҳокимлиги томонидан катта эътибор қаратилди. Аввало, шаҳарнинг республика миқёсидаги саноат марказларидан бири бўлиши, шунингдек, вилоят ҳудудида жойлашган ва стратегик аҳамиятга эга бўлган йирик саноат марказлари – Муборак газни қайта ишлаш заводи (Муборак тумани), Шўртан газ-кимё мажмуаси (Ўзбекистон – Россия Федерацияси, Дехқонобод тумани), Қарши тўқимачилик комбинати (Каштекс) ва ҳоказолар нафақат маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш, балки вилоят маданий-маиший ҳаётининг юксалишига муҳим ҳисса қўшди. Хусусан, шаҳардаги деярли барча маданият муассасалари фаолияти ислоҳ қилиниб, уларнинг бинолари замонавий асосда қайта таъмирланди ва фаолияти жонлантирилди. Шаҳарнинг марказий кўчалари, парк ва хиёбонлар таъмирланиб, бозор ва савдо мажмуалари қайта ташкил этилди. Шаҳар марказий йўллари бўйлаб барча қулайликларга эга замонавий кўп қаватли тураржойлар барпо этилди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, 1986–1989 йилларда Қашқадарё вилояти биринчи раҳбари вазифасини бажарган ва кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов бошқаруви даврида Қарши шаҳрида кенг бунёдкорлик ишлари олиб борилиб маданий соҳага жиддий эътибор қаратилди⁴⁴.

Мустақиллик йилларида маданият соҳасида йўлга қуйилган ва яратилган имкониятлар, соҳада янги анъаналар ва тартиб-қоидаларнинг таркиб топиши, Қарши шаҳрида маданият соҳасининг таълим ва спорт, маданий-маърифий йўналишлардаги ислоҳотлар муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, 1991 йилгача Қарши шаҳрида 1 та институт, 2 та олий ўқув юрти филиали, 6 та техникум, 38 умумтаълим мактаби, 37 та болалар боғчаси ва 44 та хонадон боғчаси фаолият олиб борган бўлса, бугунги кунда уларнинг таркиби тубдан ўзгарди⁴⁵. Хусусан, Қарши давлат университети, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали каби олий ўқув юртлари ва ўнлаб ўрта махсус таълим муассасалари (касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар) ташкил топди.

Қарши шаҳрида фаолият олиб борган вилоят ўлкани ўрганиш музейи 1909 йилда қурилган Хўжа Абдулазиз мадрасасида 1975 йилдан 2007 йилга қадар фаолият кўрсатиб келди. Музейда “Халқ амалий санъати” бўлими, 1995 йил “Шухрат” кўрғонида “Мехнат ва шон-шухрат” бўлимлари ташкил

⁴⁴ Равшанов П. Қашқадарё: истиклол арафасида. 1986 – 1989. – Тошкент: Маънавият, 2003.

⁴⁵ ҚВДА. 1-фонд, 4-рўйхат, 2021-иш, 8-9 варақлар.

этилди⁴⁶.

